# VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 14 535 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 13 816 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,1 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 18,5 фоизи), саноат (15,5 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (15,1 фоизи) ва қурилиш (9,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётганкорхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)*

| | *Рўйхатга олинган* | | *Фаолият кўрсатаётган* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **14 535** | **100,0** | **13 816** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2 217 | 15,2 | 2 087 | 15,1 |
| саноат | 2 262 | 15,6 | 2 147 | 15,6 |
| қурилиш | 1 339 | 9,2 | 1 290 | 9,3 |
| савдо | 2 751 | 18,9 | 2 557 | 18,5 |
| ташиш ва сақлаш | 517 | 3,6 | 496 | 3,6 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 992 | 6,8 | 934 | 6,8 |
| ахборот ва алоқа | 190 | 1,3 | 165 | 1,2 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 198 | 1,4 | 197 | 1,4 |
| бошқа фаолият турлари | 4 069 | 28 | 3 943 | 28,5 |

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни**
**мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)*

| | 2018 йил 1 октябрига рўйхатга олинган | 2018 йил январь-сентябрида | |
|---|---|---|---|
| | | ташкил топди | тугатилди |
| **Жиззах вилояти** | **14 535** | **2 209** | **525** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 4 409 | 536 | 242 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 426 | 77 | 2 |
| Бахмал | 859 | 179 | 52 |
| Ғаллаорол | 1 108 | 173 | 32 |
| Ш.Рашидов | 2 350 | 337 | 41 |
| Дўстлик | 604 | 98 | 14 |
| Зомин | 1 175 | 190 | 6 |
| Зарбдор | 685 | 133 | 35 |
| Зафаробод | 420 | 79 | 18 |
| Мирзачўл | 526 | 62 | 18 |
| Пахтакор | 615 | 112 | 3 |
| Фориш | 1 039 | 179 | 43 |
| Янгиобод | 319 | 54 | 19 |

2018 йилнинг январь–сентябрида жами 2 209 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1 804 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 536 та 12,2 фоизи), Ш.Рашидов тумани (337 та 14,3 фоизи), Зомин тумани (190 та16,2 фоизи)ларига тўғри келади.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига 11 465 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона – 4 124 та, оилавий корхона – 494 та, масъулияти чекланган жамият – 6 468 та, акционерлик жамияти 20 тани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг**
**ташкилий ҳуқуқий шакллари**

*1 октябрь ҳолатига*




2018 йилнинг январь-сентябрида жами 2 209 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1 804 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 24,3 фоизи), Ш.Рашидов (15,3 фоизи), Зомин (8,6 фоизи) ва Фориш (8,1 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 22,2 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 18,6 фоизи саноат ва 14,8 фоизи савдо соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 525 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 115 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 21,9 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар.** 2018 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 112 тани ташкил этди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 36 тани ташкил этди. Бунда, Россия Федерацияси – 10 та, Туркия Республикаси – 9 та, Хитой Халқ Республикаси – 7 та, Бирлашган Араб Амирлиги, Исроил давлати, Туркманистон ва Афғонистон Республикалари – 2 тадан, АҚШ ва Корея Халқ-Демократик Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 1 тадан янги корхона тўғри келди.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар**

*(2018 йил 1 октябрь ҳолатига, бирлик)*

| | *2018 йил 1 октябрига фаолият кўрсатаётган* | *шундан* | |
|---|---|---|---|
| | | *қўшма корхона* | *хорижий корхона* |
| **Жиззах вилояти** | **112** | **89** | **23** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 45 | 9 | 16 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 2 | 1 | 2 |
| Бахмал | 3 | - | 2 |
| Ғаллаорол | 6 | 2 | 3 |
| Ш.Рашидов | 4 | 4 | 4 |
| Дўстлик | 3 | 2 | 1 |
| Зомин | 8 | 3 | 2 |
| Зарбдор | 2 | 1 | 1 |
| Зафаробод | | 1 | 1 |
| Мирзачўл | 2 | - | - |
| Пахтакор | 5 | - | 1 |
| Фориш | 7 | - | 2 |
| Янгиобод | 2 | - | 1 |

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**

*2018 йил 1 октябрь холатига*

| | *Корхоналар сони* | *Жамига нисбатан, %* |
|---|---|---|
| **Жами** | **112,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 17 | 15,2 |
| Саноат | 66 | 58,9 |
| Қурилиш | 3 | 2,7 |
| Савдо | 16 | 14,3 |
| Ташиш ва сақлаш | 3 | 2,7 |
| Яшаш ва овқатланиш | 1 | 0,9 |
| Ахборот ва алоқа | 1 | 0,9 |
| Бошқа фаолият турлари | 5 | 4,4 |

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 112 та корхонанинг 66 таси (58,9 фоизи) – саноат 17 таси (15,2 фоизи) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 16 та, (14,3 фоизи) – савдо, 3 та, (2,7 фоизи) ташиш ва сақлаш, 3 та, (2,7 фоизи) – қурилиш, 1 та, (0,9 фоизи) – яшаш ва овқатланиш, 1 та, (0,9 фоизи) – ахборот ва алоқа соҳасига тўғри келади.

## Оилавий корхоналар сони

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатдан ўтган оиловий корхоналар сони 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 494 тани ташкил этди, улардан 463 таси ёки 93,7 % фаолият юритмоқда.

**Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда**




Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 40,6 % ёки 188 таси саноатда, 26,1 % ёки 121 таси яшаш ва овқатланиш хизматларида, 16,4 % ёки 76 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 9,3 % ёки 43 таси савдо, 1,1 ёки 5 таси қурилиш, 0,6 ёки 3 таси ахборот ва алоқада ҳамда 5,9 % ёки 27 таси бошқа турлар хиссасига тўғри келмоқда.